

---

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА

Барчамизга маълумки бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва муаммоларни ўрганиб бартараф этиш мақсадида маҳаллаларда хонадонбай юрилиб бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Риштон туманида ҳам Президентимиз ташаббуслари билан туман ҳокими С. Солиев 1-сектор ҳудудида хонадонбай ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Ўрганиш жараёнида “Қуйи Авазбой” МФЙ ҳоким ёрдамчиси М. Собиров туман ҳокимига қўнғироқ қилиб маҳалла фуқароси Абдухалил Акбаров туманда хонадонбай ўрганиш жараёнидан хабар топганини ва туман ҳокимини уйига таклиф қилаётганини билдирди. Шу заҳоти туман ҳокими “Қуйи Авазбой” маҳалласига етиб борди ва фуқаро А. Акбаровнинг хонадошида бўлиб унинг биоғомус ишлаб чиқараётган жараёнлари билан танишди. Айтиш жоизки, Абдухалил ака бугунги кунда биоғомусдан мўмайгина даромад топмоқда. Ҳоким билан суҳбатда А. Акбаров Президентимизнинг эзгу ташаббусларини қўллаган ҳолда маҳаллада намунали хонадон сифатида қолган маҳалладошларига ҳам ана шу каби оилавий тадбиркорлик сирларини ўргатишда кўмаклашишини билдирди.

2022-01-18 15:18:46